

ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА ҒУЗОР БЕКЛИГИ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Эргашев Умар Кузиевич (Иқтисодиёт ва педагогика университети нодават таълим муассасаси мустақил изланувчиси, Қарши шаҳри).

Аннотация: Мақолада Ғузор беклигида кўплаб тарихий воқелик содир бўлганлигини, ХІХ аср охири – ХХ аср бошларидаги тарихига доир маълумотлар асосан Бухоро амирлиги Қушбеги архиви хужжатларида ҳамда рус муаллифларининг қайдларини тарихини ёритишда муҳим аҳамияти бўйича айрим истиқболли маълумотлар муҳокама қилинган.

Таянч сўзлар: Қушбеги архиви, “Даҳкара-кент водийси”, “кўчув ўлкаси”, Кўйтан, Бошхурд (Пошхурд), “етти-уруғ”, “жети-уруғ”, “Таърихи Хумоюн”, “наҳри азим” (Катта дарё), “Тарихи Нофеий”, фарсах, Якдаста, Додҳохбек, “босмачи”.

Изучение истории Гузарского бекства в конце ХІХ – начале ХХ века

Эргашев Умар Кузиевич (самостоятельный исследователь негосударственного образовательного учреждения экономико-педагогического университета, город Карши).

Аннотация В статье рассматривается тот факт, что на станции Гузар происходило много исторических событий, информация об истории конца ХІХ - начала ХХ веков в основном содержится в документах архива Кушбеги Бухарского эмирата, а также некоторые многообещающие сведения о ее важном значении в освещении истории Бухарского эмирата, записи российских авторов.

Ключевые слова: Архив Кушбеги, “Дахкара-Кентская долина”, “земля кочевий”, Кейтан, Башхурд (Пошхурд), “семь-урун”, “джети-урун”, “Тарихи

Хумаюн“,” нахри азим “(Большая река),” Тарихи Нофей“, фарсах, Якдаста, Додхохбек, "басмачи".

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг муҳим маъмурий-худудий бирликларидан бири бўлган Ғузор беклиги ўтмишини ёритиш ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда ўзига хос ўрин тутди. Сабаби, табиий иқлими ва географик жойлашувига кўра амирликка қарашли Қашқа ва Сурхон воҳалари, шунингдек, Келиф, Керки каби Амударёнинг ўрта ҳавзаларида жойлашган ҳудудлар аҳолиси орасида ўрин олган Ғузор беклиги минтақада кечган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларда фаол иштирок этган ҳудуд сифатида билинади. Ўша кезларда бугунги Ғузор тумани билан бирга Қамаши ва Деҳқонобод туманлари ҳудудини қамраб олган Ғузор беклиги ўзининг географик жойлашувига кўра тоғ, тоғолди ва даштлик ҳудудлардан иборат ҳудуд сифатида кўплаб тарихий воқеликларга сахна бўлган.

Аввало шуни айтиб ўтиш керак, Ғузор беклиги тарихи бўйича шу пайтгача олиб борилган илмий тадқиқотларнинг кўлами унчалик ҳам кенг эмас. Айрим илмий ишларни айтмаганда, ушбу беклик тарихи бўйича амалга оширилган изланишлар кўпроқ Қашқадарё воҳаси тарихини ёритиш доирасида олиб борилгани кўзга ташланади. Ғузор беклигининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихига доир маълумотлар асосан Бухоро амирлигига тегишли тарихий асарлар ва амирликнинг Қушбеги архиви ҳужжатларида ҳамда рус муаллифларининг қайдларида учраб, Қашқадарё воҳаси тарихи ва этнографияси билан шуғулланган тарихчи, ўлкашунос ва лингвист олимлар ушбу тарихий материалларга мурожаат қилишган. Хусусан, 1840- йилларда Бухоро амирлигида бўлиб, амирлик аҳолисига доир қимматли маълумотлар тўплаган россиялик элчи Н.В. Хаников Бухоро амирлиги аҳолиси ҳақида ёзар экан Қашқадарё воҳасига тегишли маълумотларни ҳам келтириб ўтган бўлиб, ушбу асар амирлик тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун бирламчи материаллар бера олади. Ушбу муаллиф Бухоро амирлигида асосий шаҳарлар сони 19 та эканини ёзиб, Ғузор шаҳрини ушбу шаҳарлар келтирилган рўйхатнинг охирида кўрсатиб

ўтади[1;78-79-Б]. Мухими шундаки, ушбу рус элчиси амирликнинг марказий ҳудудлари – Бухоро, Зарафшон ва Қашқадарё воҳасида яшайдиган ўзбек уруғларидан деярли барчасининг номларини келтирар экан, Бухоро туманлари ва Қарши беклиги ва унинг атрофларида яшайдиган батош уруғи вакиллари бутунлай ўтроқ ҳаёт кечирадиганаҳоли сифатида қайд этиб ўтади[2;64-Б]. Ўша кезларда батошлар Ғузор беклиги ҳудудида ҳам яшаб, нуфузли ўзбек уруғларидан бири сифатида билинган.

XIX асрнинг 60- йилларида Бухоро амирлиги Россия империясига қарам бўлиб қолгач, рус шарқшунос олимлари Қашқадарё воҳасининг тарихи, этнографияси ва географик ўзига хосликларига қизиқар экан Ғузор беклигига доир материалларни тўплаб илм оламига танита бошлаганлар. Ана шундай рус тадқиқотчиларидан бири А.Кун Шаҳрисабз беклигида бўлган кезларда ушбу беклик атрофидаги ҳудудлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар ёзиб қолдиради[3].

Чор Россияси даврида Туркистон ўлкасида кўплаб тарихий, географик ва этнографик маълумот тўплаган рус муаллифларидан бири Н.А.Маев бўлиб, у келтирган маълумотлар Ғузор беклиги тарихининг қоронғу томонларининг ёритишда асқотади. Унин қайдларида “Даҳқара-кент водийси” деган жой тилга олинган бўлиб, у Дарбанд амлоклигига бўйсинган ва “кўчув ўлкаси” деган маънони билдириши қайд этилган [4]. Бироқ муаллиф ушбу водийнинг айнан жойлашган ўрни, ҳудудий чегаралари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар бермайди. Аслида маҳаллий шахли Даҳпаракент бўлиб, баъзан Даҳпаракен ва шунга яқин шаклларда ҳам талаффуз қилинган бу водийга доир тўлиқроқ маълумотлар рус ҳарбийи, полковник Белявский томонидан қуйидаги шаклда келтириб ўтилади: «Гургандарё ерлари Кўйтан ва Бошхурд (Пошхурд) амлоқдорлиги, яъни аҳоли орасида Дарапакин номли йиғма номга эга бўлган ерлар амиринг туҳфаси сифатида гоҳ Бойсун беклигига гоҳ Ғузор беклигига ўтиб турган». [5;93-94-Б]. Бундан кўринадики, Шерободдарё ҳавзасидаги бир қатор аҳоли масканлари умумий ном билан “Даҳпаракент”, яъни форс-тожикча ном билан “даҳ-пора-

кент” (ўнта қишлоқ) деб аталган ва бу ер вақти-вақти билани Ғузор беклиги таркибига ўтиб турган. Яъни Даҳпаракентнинг ҳудудий яқинлиги Ғузор бекларининг бу ерга ҳудудий даъво қилиб туришига сабаб бўлган.

Бу даврда рус мустамлакачи амалдорлари Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида ўз ҳокимиятини кенг ёйиш, табиий қазилма бойликларини аниқлаб, улардан унумли фойдаланиш мақсадида минтақадаги чекка тоғ ҳудудларига ҳам катта эътибор қарата бошлайдилар. Зарафшон тоғларидан кейин навбатдаги тоғлик ҳудуд – Ҳисор водийсини ўргана бошлаган мустамлакачилар Бухоро амирлигининг кунботардаги ҳудудларидан бири бўлмиш ва Шарқий Бухоро деб юритиладиган жойларга турли эскпедициялар уюштиради. Маълумки, Ҳисор тоғ тизмалари Қашқадарё воҳасидаги Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ва Ғузор бекликларининг шарқий томонларидан ташқари Бойсун, Денов, Шеробод, Қабодиён, Қўрғон-тепа, Кулоб, Балжувон, Ҳисор, Сарижуй каби беклик ва бошқа йирик маъмурий бирликларни ўз ичига олиб, бу ҳудудларда асосан ўзбек ва тожик аҳоли кўпчиликлари ташкил этган.

Рус муаллифлари Ҳисор тоғ тизмалари атрофига, айниқса, Ҳисор водийсига ўтадиган йўл Чироқчи – Ғузор бекликлари йўналиши бўйлаб ўтиши, водийда тожик аҳоли анча кўпчиликлари ташкил этиши билан бирга турли уруғларга бўлинувчи ўзбекларнинг ҳам салмоғи юқори эканига эътибор қаратганлар. Қизиғи шундаки, бу ҳудудларда ўзбекларнинг деярли барча уруғларини учртаиш мумкин бўлиб, улар бу ердаги бекликлар бошқарувини ўз қўлларида тутиб турганлар. Ҳар бир ўзбек уруғи ўз оқсоқол ва бекларига эга бўлиб, улар амирликнинг бошқа ҳудудларидаги ўзбек уруғларидан деярли фарқланмаган[6;9-10-Б]. Ушбу маълумотларнинг тўғрилигини XX аср ўрталарида Ҳисор тоғ тизмаларидаги аҳоли орасида этнографик тадқиқотлар олиб борган Б.Х. Кармишева тўплаган маълумотлар ҳам тўғрилайди[7;66-122-Б]. Шарқий Бухоро аҳолиси орасида қўнғирот, манғит, батош, дўрман, сарой ва ҳоказо шаклида қайд этилган уруғлар Бухоро, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхон

воҳаларида ҳам яшаб, уларнинг ўтроқлашув жараёни айниқса сўнгги ўрта асрларда анча жадаллашган.

Ғузор беклиги тарихига доир маълумотлар амирликнинг маҳаллий аҳолиси вакиллари томонидан ёзиб қолдирилган тарихий асарларда ҳам у ёки бу даражада ўз аксини топган. Жумладан Мирзо Салимбек (1850-1930) “Кашкўли Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттахарин” номли асарида Ғузор беклиги ҳақида қисқача маълумотлар келтириб ўтган. Қизиғи шундаки, Мирзо Салимбек Бухоро амирлигининг бир неча бекликларида турли мансабларда ишлаган зиёли киши бўлиб, Яккабоғ беклигида беш йил, Бойсун беклигида икки йил турли лавозимларда ишлаб, Шаҳрисабзда эса бир неча йил ҳоким мансабида бўлиб, Ғузор ва атрофдаги бекликлар ҳаётидан яхши хабардор эди [8;8-Б]. Муаллиф Ғузор тарихига доир маълумотлар анча кам маълумот келтирган бўлса-да, бироқ унинг Қарши, Шаҳрисабз, Бойсун ва атрофларига доир берган қисқача маълумотлари ўша даврдаги сиёсий ва этник жараёнларни ёритишда муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, Бухоро амири Муҳаммад Раҳимхоннинг вафотидан кейин 1758 йилда тахтга чиққан амир Дониёлнинг олиб борган сиёсати натижасида Нурота ҳокимлигида Тоғаймуродбий буркут ва Ғузорда Жаҳонгир саройларнинг ҳокимликдан олиниб, қатл қилинишлари ҳақида сўз боради[9;288-Б]. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, муаллиф шу воқеаларда кейин амир Дониёл “етти-уруғ” қабиласини Миёнқол (Самарқанднинг шимоли)дан кўчириб, Шаҳрисабз ва Бойсун-Шеробод оралиғидаги ҳудудларга тарқатиб юборганини қайд этади[10;288-Б].

Қизиғи шундаки, бугунги кунда ҳам Ғузор туманида Еттиуруғ деган қишлоқ мавжуд бўлиб, ушбу қишлоқнинг пайдо бўлиши ушбу тарихий воқеликлар билан боғлиқдир. “Етти-уруғ”, “жети-уруғ” каби номлар билан аталган уруғлар бирлашмаси бир қатор туркий халқлар, шу жумладан, қозоқ, қорақалпоқ, нўғой, қирғиз, бошқирд халқлари таркибида учраб, ўзбекларнинг қипчоқ уруғининг “етти-уруғ” тармоғи қуйидагича уруғларни ўз ичига олган: ойтамғали, қўштамғали, сирғали, қамчили, жувонли, саманотли, чўмичли[11;99-Б].

Шунингдек, Бухоро тарихнавислиги мактабининг сўнги вакилларида бири Муҳаммад Содиҳхўжа Гулшаний 1909 йилда форс-тожик тилида ёзган “Таърихи Ҳумоюн” асарида Бухоро амирлигидаги кўплаб вилоятлар ҳақида анчагина кенг тўхталган бўлиб, муаллиф Хузор (Ғузор) ҳақида ҳам бирламчи маълумотларни келтириб ўтган[12]. “Таърихи Ҳумоюн”да Хузор беклиги (вилояти)нинг географик жойлашуви, чегаралари, аҳолиси, шаҳар ва қишлоқлари ҳақида бирламчи маълумотлар ўрин олган. Унга кўра Бухоро амирлигининг шарқий томонларига тўғри келувчи Хузор вилояти Ҳисор тоғларига қиравериши бошланишида жойлашган бўлиб, бу ердан Бухорои шарифгача бўлган масофа 23 фарсахдир. Хузорнинг шарқий чегаралари Маччи тоғигача чўзилган бўлиб, Бойсун вилоятига унинг шимолидаги Кетмончопти-тепа тоғиг орқали чегарадош бўлиб, жануби Киришик амлоклиги ва Қухитанг тоғигача, шимоли Яккабоғ беклигигача, ғарби эса Қарши вилоятига қарашли Янги-кент амлоклигига туташ эди[13;95-Б].

Ушбу муаллиф беклик маркази Хузор (Ғузор) шаҳрининг ички тузилиши ҳақида ҳам бирмунча кенг тўхталиб, шаҳар қўрғони - қалъасининг қадимий бинолардан бири бўлиб, Афросиёб қурдирган бинолардан бири экани, бу ер “наҳри азим” (Катта дарё) бўйида жойлашган эди. Ғузор қалъасини бу дарё уни уч томондан шарқ, жануб ва ғарбдан ўраб турган бўлиб, учта дарвозали эди. Ғузор шаҳридаги бозор расталари анчагина маъмур ва бир қатор карвонсаройларга эга бўлгани ва бу ерда савдо-сотиқ жуда ривожланганига эътибор қаратган Гулшаний қўрғон ичида иккита жомеъ ва ҳайит масжиди ҳамда олтига беш вақт намоз қилинадиган кунлик масжид жойлашгани, шаҳар атрофида 35 та масжид ва учта мадраса борлигига урғу беради [14;99-Б].

Манғит ҳукмдорларининг тарихини ўз ичига қамраб олган Муҳаммад Мир Олим Бухорийнинг “Фатҳ-нома йи салатин (Тарих-и Султан Саййид Амир Насруллоҳ)” асари бўлиб, Муҳаммад Олимбекнинг буюртмаси билан ёзилади. Бу вақтда у котиб вазифасида бўлган, уни Амир Насрулла ўз даврида Ғузор беклигига ҳоким лавозимига тайинлаган[15;34-Б].

XX асрнинг илк чорагида Бухоро амирлиги, умуман олганда, Ўрта Осиё минтақасида юз берган сиёсий ўзгаришларга гувоҳ бўлган ва ўша кезлардаги муҳим воқеликларни қоғозга туширган, келиб чиқиши амирликка қарашли Балжувон беклигига мансуб бўлган Муҳаммад Али ибни Муҳаммад Саид Балжувоний ўз асари “Тарихи Нофеий” (Фойдали тарих)ни 1927 йилда ёзиб тугаллаган бўлиб, асарда Ғузор беклигига доир қизиқарли маълумотлар учрайди[16]. Қизиғи шундаки, муаллиф бухоролик бир қатор тарихнавислардан фарқли ҳолда ушбу жой номини “Хузор” эмас, “Ғузор” шаклида келтириб ўтади[17;32-Б].

Асардаги қайдлардан маълум бўлишича, XX асрнинг илк ўнйилликларида Бухорода жадидчилик ҳаракатлари кучайган кезларда Бухоро муфтиларидан бири Домулло Муҳаммад Икромнинг ўғиллари ушбу ҳаракатларда фаол қатнашадилар. Бухоро амири унинг фарзандларини жазолаб дастлаб Карманага, кейин эса Ғузорга сургун қилади. Бу ерда уни Ғузор тўраси бўлмиш Олимхонинг амакиси қатл эттиради[18;78-79-Б]. Ғузор беклигининг Шўро ҳукуматига қарши курашидаги ўрнига оид маълумотлар ҳам “Тарихи Нофеий”да келтириб ўтилган бўлиб, асарда ғузорлик Мулла Абдужаббор Якдаста, Қарши беклигидан Турдибек, Шаҳрисабзда Додҳоҳбек “босмачи”лар орасида машҳур бўлганликлари қайд этилади [19;81-Б].

Хуллас, XIX аср охири – XX аср бошларида Ғузор беклиги тарихига доир ёзма маълумотлар билан қисқача танишиб чиқиш шуни кўрсатадики, бу даврда Ғузор Қашқадарё воҳасининг ўрта ва қуйи оқимида, дарёнинг чап ҳавзасида жойлашган ҳудудларни ўз ичига олган бўлиб, бу ҳудудда юз берган сиёсий ва этномаданий жараёнлар минтақа тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

- 1.Sherozovich, M. B. (2024). CONFLICT SITUATIONS IN THE PROCESS OF TRAINING INDUSTRY PERSONNEL IN SURKHANDARYA AND KASHKADARYA REGIONS: HISTORICAL ANALYSIS AND RESULTS (1925-

1950). *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 39(5), 221-225.

2.Sherozovich, M. B. (2024). DEVELOPMENT OF HEAVY INDUSTRIES IN THE SOUTHERN PROVINCE OF UZBEKISTAN: HISTORICAL ANALYSIS AND CONSEQUENCES (1930-1960). *Modern education and development*, 16(5), 267-277.

3.Маматкулов, Б. (2024). Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarida yengil sanoat tarmoqlarining rivojlanishi, kadrlar tarkibini shakllantirish jarayonlari (1925-1950-yu). *Общество и инновации*, 5(5), 211-218.

4.Mamatkulov, B. (2021, November). A New Interpretation of Industry in Uzbekistan During Independence. In " *ONLINE-CONFERENCES*" PLATFORM (pp. 158-161).

5..Асадова, Р. (2024). О ‘zbekiston va Hindiston o ‘rtasida savdo va ilmiy-texnik hamkorlik. *Общество и инновации*, 5(5), 227-231.

6.Асадова, Р. Б. (2021). ИСТОРИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА УЗБЕКИСТАНА И ИНДИИ ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 18, 43-47.

7.Boymanova, A. R. (2024). HISTORICAL BASIS OF COOPERATION BETWEEN THE STATES OF UZBEKISTAN AND INDIA. *AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE*, 2(3), 62-67.

8. Shonazarovich, Q. A., & Adilovna, B. G. (2024). OLTIN VOHA TEPALARI TILSIMI-TARIX KO‘ZGUSIDA: Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. *Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari*, 6(2), 86-94.

9. Shonazarovich, K. A. (2023). Development of the Craft Industry in the City of Karshi at the Beginning of the 19th-20th Centuries. *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 4(12), 135-138.

- 10.Shonazarovich, Q. A. (2024). IN 1925-1954, THE MEASURES FOR THE SPECIALIZATION OF UZBEKISTAN AS THE MAIN COTTON BASE OF THE USSR AND ITS CONSEQUENCES. *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(5), 67-71.
- 11.Shaxnoza, E. (2024). QASHQADARYO VILOYATIDA IJTIMOIIY-GUMANITAR FANINING RIVOJLANISHIDA XOTIN-QIZLARNING O‘RNI. *Modern education and development*, 16(5), 216-226.
- 12.Elboyeva, S. B. (2022). МИЛЛАТЛАРАПО ҲАМЖИҲАТЛИК–ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 377-385.
- 13.Elboyeva, S. B. (2022). YOSHLARDA YUKSAK MA’NAVIYATNI SHAKLLANTIRISHNING DOLZARBLIGI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 576-581.
- 14.Ergashev, U. K. (2024). SOCIO-POLITICAL PROCESSES IN GUZOR PROVINCE. *Web of Discoveries: Journal of Analysis and Inventions*, 2(5), 157-162.
- 15.Ergashev, U. K. (2024). THE BUKHARA EMIRATE: A HISTORICAL OVERVIEW. *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(12), 131-135.
- 16.Kuziyevich, E. U. (2024). GUZOR FORT IN THE PERIOD OF BUKHARA EMIRATE. *European Science Methodical Journal*, 2(5), 192-198.
- 17.Nilufar, E. (2024). MUSTAQILLIK YILLARIDA YIRIK SANOAT SOHASIDAGI ISLOHOTLAR. *Modern education and development*, 16(5), 250-259.
- 18.Esanova, N. P. (2024). MAIN FACTORS OF TEXTILE INDUSTRY DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN (1991-2021 Years). *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(9), 5-13.

- 19.Nilufar, E. (2024). O ‘ZBEKISTON SANOATINI RIVOJLANTIRISHDA KICHIK BEZNIS VA XUSUSIY TADBIRKORLIK MEKANIZMNING YARATILISHI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA). *Научный Импульс*, 3(26), 275-279.
- 20.Ochilova, N. R. (2022). CURRENT STATUS OF UZBEK AND RUSSIAN LANGUAGES. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(12), 255-258.
- 21.Ruzimuratovna, O. N. (2024). DEVELOPMENT OF CREATIVE AND CREATIVE POTENTIAL. *International journal of artificial intelligence*, 4(03), 442-443.
- 22.Ruzimuratovna, O. N. (2022). WAYS TO ABSORB THE NATIONAL IDEA IN THE YOUTH MIND. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(10), 122-124.
23. Akhmedova, D. S. (2023). SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE WITH A MODERN WORLDVIEW. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(11), 304-309.
24. Sadullayevna, A. D. (2023). Young People-The Creators of New Uzbekistan. *The Peerian Journal*, 25, 11-16.
25. Sadullayevna, A. D. SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE WITH A MODERN WORLDVIEW.
26. Qurbonova, M. U. B. (2022). HUQUQIY VA SIYOSIY MADANIYAT O ‘ZBEKISTONDA FUQAROLIK JAMIYATI BARPO ETISHNING ASOSIY BO ‘G ‘INI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 342-346.
27. Qurbonova, M. U. (2024). XOTIN-QIZLARNING JAMIYATDAGI IJTIMOIIY ROLINING O‘ZGARISHI. *TAMADDUN NURI JURNALI*, 5(56), 21-24.

28. Boltayevna, Q. M. U. (2021). GLOBALLASHUV JARAYONLARI VA G‘OYAVIY-MAFKURAVIY XAVFSIZLIK MASALALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(4), 104-110.
29. Ochilova, N. R., Elboeva, S. B., & Buriev, I. I. (2021). ISSUES OF FORMATION OF UNIVERSAL VALUES IN THE DEVILMENT OF NATIONAL CULTURAL CENTERS. *Scientific progress*, 2(2), 496-500.
30. Ochilova, N. R. (2023). Typology of civilizations. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(12), 121-127.
31. MAMATQULOV, B. (2024). O ‘ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARIDA SANOAT KORXONALARINING TASHKIL ETILISHI VA HUDUDLAR SANOATINING IXTISOSLASHUVI JARAYONINING TARIXIY TAHLILI (1930-1950 yy). *News of the NUUz*, 1(1.2. 1).
32. Sherozovich, M. B. (2025). O ‘ZBEKISTONDA XX ASRNING 30-40 YILLARDA SANOAT ISHCHILARI TARKIBINI SHAKLLANTIRISH VA KADRLAR TAYYORLASH JARAYONIDAGI MUAMMOLAR (JANUBIY VILOYATLAR MISOLIDA). *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 63(4), 490-502.
33. Маматкулов, Б. (2024). Развитие сетей легкой промышленности в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской области, процессы формирования кадров (1925-1950 гг.). *Общество и инновации*, 5(5), 211-218.
34. Sherozovich, M. B. (2025). O ‘ZBEKISTONDA XX ASRNING 30-40 YILLARDA SANOAT ISHCHILARI TARKIBINI SHAKLLANTIRISH VA KADRLAR TAYYORLASH JARAYONIDAGI MUAMMOLAR (JANUBIY VILOYATLAR MISOLIDA). *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 63(4), 490-502.